ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖАББОРОВ НАСРИДИН МИРЗООДИЛОВИЧ

ИККИ ФАЗАЛИ МУҲИТЛАРНИ «А» АНАЛИТИК ФУНКЦИЯЛАР АСОСИДА МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАШТИРИШ

01.01.01 – Математик анализ
05.01.07 – Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи
(физика-математика фанлари)

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2017 йил

УДК 517.54
УДК 519.957

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Жабборов Насридин Мирзоодилович
Икки фазали муҳитларни «А» аналитик функциялар асосида математик моделлаштириш 3

Жабборов Насридин Мирзоодилович
Математическое моделирование двухфазных сред на основе аналитических функции «А» 27

Jabborov Nasridin Mirzoodilovich
Mathematical modeling two-phase mediums based on «A» analytic functions 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 55

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖАББОРОВ НАСРИДИН МИРЗООДИЛОВИЧ

ИККИ ФАЗАЛИ МУҲИТЛАРНИ «А» АНАЛИТИК ФУНКЦИЯЛАР АСОСИДА МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАШТИРИШ

01.01.01 – Математик анализ
05.01.07 – Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи
(физика-математика фанлари)

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2017 йил

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc./FM2 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (http://ik-fizmat.nuu.uz/) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Имомназаров Холматжон Худойназарович** физика-математика фанлари доктори, етакчи илмий ходим (Россия)
Расмий оппонентлар:	**Меграбов Александр Грайрович** физика-математика фанлари доктори, профессор (Россия, НДТУ)
	Ганиходжаев Расул Набиевич физика-математика фанлари доктори, профессор
	Хужаёров Бахтиёр Хужаёрович физика-математика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Абай номидаги Қозоғистон Миллий педагогика университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Математика институти ҳузуридаги Dsc.27.06.2017.FM.01.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «___»___________ соат____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2017 йил «____» _______________куни тарқатилди.
(2017 йил «____» ___________ даги _______ рақамли реестр баённомаси).

А.С.Садуллаев
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., академик

Ғ.И.Ботиров
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.н.

М.М.Арипов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар
раиси, ф.-м.ф.д., профессор

Кириш (Докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар аксарият ҳолларда флюдлари билан тўйинтирилган ғовак муҳитда тўлқин ҳодисаларни математик моделлаштиришни яратиш масалаларига келади. Ғовак муҳитда икки суюқликнинг фильтрация модели нефтни ҳавзадан сув (газ) ёки махсус аралашма ёрдамида сиқиб чиқариш усулидан фойдаланилади. Икки ўлчовли регуляр ҳолатда асосий чегаравий масалаларнинг ечимга эга бўлиши, ностационар ва стационар ечимларнинг силлиқлиги система мувофиқлаштириш коэффициентларини, ҳамда чегара ва чегаравий шартларнинг қатъийлигини аниқлаш муҳимдир. Сейсмоқидирув, гидроакустика ва видео кузатув маълумотларини ишончли талқин қилишга оид тадқиқотларни ривожлантириш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда математика фанининг амалий татбиқига эга бўлган математик анализ ва математик моделлаштиришнинг долзарб йўналишлари, жумладан, флюидлар билан тўйинтирилган ғовак муҳит қатламини ўз ичига олган қатламли муҳитда акустик тўлқин тарқалиши ва қатламнинг синишини ҳамда акс қайтиш ҳодисаси хусусиятларини тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилди. Ғовак муҳит скелетига нисбатан тўйинтирилган суюқликдаги тўлқин хусусиятининг ҳаракати, кўп фазали муҳитлар механикаси моделларини яратишда салмоқли натижаларга эришилди. “Математик анализ, Амалий математика ва математик модделлаштириш фанларнинг устувор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш асосий вазифалар ва фаолият йўналишлари” этиб белгиланди[1]. Қарор ижросини таъминлашда математик ва сонли моделлаштириш, комплекс ўзгарувчили функциялар назариясини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда жаҳонда икки фазали муҳитларда «А» комплекс ўзгарувчили аналитик функциялар асосида сиқилувчан икки фазали муҳитларнинг икки тезликли гидродинамик тадбиқий жараёнларини математик моделлаштириш суюқликлар механикасининг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бу борада тўйинтирилган ғовак муҳитда товушни тадқиқ қилишда муҳим натижалардан бири бўлган тўлқиннинг уч хил кўринишга эгалигини башорат қилиш усулини ишлаб чиқиш; ярим фазода эластик ғовакнинг стационар тенгламалар системаси ечимини олиш ҳамда босим ва оғирлик кучини қўшимча сақлаш қонунлари асосида боғловчи дифференциал айниятларни дивергент кўринишда исботлаш; текислик ҳолида оқим функцияси учун Монж-Ампер тенгламалар системасини шакллантириш мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 292-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги ПҚ-916-сон «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва 2017 йил 8 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожлантиришнинг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи[2]. Кўп фазали муҳитларни математик моделлаштиришга қаратилган илмий тадқиқотни аналитик ва сонли усуллар ёрдамида ечиш, ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий таъминотини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар етакчи хорижий давлатларнинг илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Massachusetts Institute of Technology, Columbia, ва California Institute of Technology, University of Texas, University of California, Berkeley ва Harvard University университетлари (АҚШ), Schlumberger Company, Baker Huges, Cambridge University (Буюк Британия), University of Zielona Gora (Польша) Weierstrass Institute for Applied Analysis and Stochastics (Германия), Tsinghua University, Beijing, Zhejiang University, Hagzhou, Shandong University (Хитой), Kyungpook National University (Жанубий Корея), Физика-техника институти (Санкт-Петербург), Гидродинамика институти, Иссиқлик физикаси институти, Математика институти СБ РФА, Москва Давлат университети (Россия), Киев Миллий университети (Украина) да олиб борилмоқда.

Кўп фазали муҳитларни «А» аналитик функциялар асосида математик моделлаштириш усулларини такомиллаштиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: ўрта қиймат усулига асосланиб ўзаро киришадиган континумлар динамикаси моделини ишлаб чиқиш алгоритми яратилган (Cambridge University); энтропиянинг локал аддитивлиги, энергия икки ички ва кинетик энергияларга бўлиниши, тизимости термодинамик мувозанатни локал сақланиши, манбаларнинг тенг муносабатга эгалиги исботланган (Weierstrass Institute for Applied Analysis and Stochastics); кўп фазали муҳитларни математик моделлаштириш ва тизимда умумий бўлган

---

[2]Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи http://www.eriez.com/, http://docs.lib.purdue.edu/, http://www.cargocaresolutions.com/, http://www.sciencedirect.com/, http://link.springer.com/, http://www.iccm-central.org/, http://www.digitimes.com/, https://www.ihs.com/ ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

маълумотларни сақланиш қонуниятлари ишлаб чиқилган (Kyungpook National University).

Дунёда бугунги кунда эллиптик чегаравий масалаларни чегарада берилган тенгламалар маълумотларидан фойдаланиб эллиптик тенгламаларни аналитик функциялар ёрдамида ечиш, функциялар назариясининг чегаравий масалаларини тадқиқ қилиш бўйича қатор, жумладан, ярим фазода эластик ғовакнинг стационар тенгламалар системаси учун Миндлин масаласи ечимини олиш; икки тезликли гидродинамика тенгламаларида тезлик, босим ва оғирлик кучини қўшимча сақлаш қонуниятлари асосида боғловчи дифференциал айниятларни дивергент кўринишда исботлаш; текислик ҳолида оқим функцияси учун Монж-Ампер тенгламалар системасини шакллантириш ва ечиш усулларини ишлаб чиқиш каби устувор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. А.Л.Бухгейм, Э.В.Арбузов, С.Г.Казанцев, Л.Д.Ландау, Е.М.Лифшиц, И.М.Халатников, S.P.Patterman, А.М.Блохин, В.Н.Доровскийлар томонидан ҳусусий ҳосила билан берилган дифференциал тенгламаларни тадқиқ қилиш комплекс ўзгарувчили функциялар назариясини, аналитик функциялар учун сингуляр интеграл тенгламалар назарияси усуллари, бир фазали муҳитларда комплекс ўзгарувчили аналитик функциялар асосида бир тезликли гидродинамик тадбиқий жараёнларнинг математик моделлари ишлаб чиқилган.

Математик физика тескари масалаларига боғлиқ интеграл геометрия масаласи М. М. Лаврентьев, В. Г. Романов, Ю. Е. Аниконовлар томонидан тадқиқ этилган, ҳамда А.Л.Бухгейм, Э.В.Арбузов ва С.Г.Казанцевлар томонидан эмиссион томография масаласи А-аналитик функция учун Коши формуласи ёрдамида ўрганишга келтирилган. Ω соҳа $\{\operatorname{Im} z > 0\}$ яримтекислик бўлган ҳолда Ламе тенгламалар системаси учун Карлеман формулалари Е.В. Арбузов ва А.Л. Бухгеимлар томонидан топилган. Лаплас тенгламаси учун Коши масаласининг ечими Н.Е.Кочин, А.М.Лаврентьев, Ш.Ярмухамедов, Л.А.Айзенберг, А.М.Кытманов ва А.П.Солдатовлар томонидан топилган.

И.Э.Ниезов ишларида махсус соҳалар кўринишидаги Карлеман функцияси ёрдамида Ламе тенгламалар системаси учун Коши масаласининг ечими олинган. J.B.Diaz, L.E.Payne, Р.Д.Миндлин, А.М.Блохин, В.Н.Доровский, Х.Х.Имомназаровлар томонидан ярим фазода эластик ғовакнинг стационар тенгламалар системаси учун тўлқинли майдонга турли динамик характеристикаларнинг таъсирини сонли тадқиқот қилиш алгоритмини яратиш усуллари ишлаб чиқилган. Т.Юлдашев, Б.К.Курманбаев, Б.Х.Хужаёровларнинг тадқиқотларида кўп фазали муҳитларни математик моделлаштиришда ва тизимда умумий бўлган маълумотлардан фойдаланиш, сақланиш қонуниятлари кўрсатилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг ОТ-Ф1-116

«Геометрик функциялар назариясининг муаммолари ва аналитик давом эттириш масалалари» (2007-2011 йиллар) ва Ф-4-31 «Плюрипотенциаллар назарияси ва кўп ўлчовли анализда интеграл формула орқали ифодалаш» (2011-2016 йиллар) мавзуларидаги илмий тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади икки фазали муҳитларда «А» комплекс ўзгарувчили аналитик функциялар асосида сиқилувчан икки фазали муҳитларнинг икки тезликли гидродинамик тадбиқий жараёнларини математик моделлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

комплекс ўзгарувчили аналитик функциялар «$A(z)$» операторининг умумийлаштириш усуллари ва икки фазали муҳитларнинг тадбиқий масалаларини ечиш;

шарнинг (доиранинг) ихтиёрий ички нуқтасидаги эластик ғовакнинг стационар тенгламалар системаси ечимини сферадаги (айланадаги) қийматлар билан боғловчи, ўрта қиймат ҳақидаги интеграл муносабатларини – Пуассон интеграл формуласини умумлаштириш;

ярим фазода эластик ғовакнинг стационар тенгламалар системаси учун Миндлин масаласи ўхшашлиги ечимини топиш ва тўлқинли майдонга турли характеристикалар таъсирини сонли тадқиқ қилиш алгоритмини яратиш;

босим бўйича фазалар мувозанатли икки тезликли гидродинамика тенгламаларида тезлик, босим ва оғирлик кучини қўшимча сақлаш қонуниятлари асосида боғловчи дифференциал айниятларни дивергент кўринишда исботлаш;

текислик ҳолатида оқим функцияси учун Монж-Ампер тенгламалар системасини шакллантириш ва хусусий ҳоллари учун умумий ечимини топиш;

иккита скаляр функциялар ёрдамида моддаларни ҳажмли тўйинганлиги доимий бўлган, босим бўйича фазаларнинг мувозанат ҳолати учун икки тезликли ёпишқоқ сиқилувчан бўлмаган суюқликлар оқимининг дифференциал тенгламалар системасини умумий ечимларини топиш ва сонли моделлаштириш усулини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти комплекс ўзгарувчили аналитик функциялар **«**A(z)**»** ва сиқилмайдиган ёпишқоқ икки тезликли муҳут оқимининг тавсифини ҳосил қилиш жараёнларидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети икки фазали муҳитларни «А» аналитик функциялар асосида тўлқин майдонига таъсир этадиган физик параметрлар (эластик параметр, ғоваклик) муносабатларини ифодалашда қўлланиладиган математик моделлар, аналитик алгоритмлар ва дастурий воситалардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида математик ва сонли моделлаштириш, функционал анализ, комплекс ўзгарувчили функциялар назарияси, ҳисоблаш математика, математик физик тенгламалар ва ҳисоблаш экспериментларини ўтказиш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

комплекс ўзгарувчили аналитик функциялар «A(z)» назариясининг оператор ўхшашликлари усуллари ва икки фазали муҳитларнинг тадбиқий масалаларини ечиш алгоритми ва механизми ишлаб чиқилган;

аналитик функцияларнинг классик умумлашмаси «A(z)» учун Коши, Монтель, Пикарнинг катта теоремалари исботланган ҳамда Тейлор ва Лоран қаторларига ёйиш механизми ишлаб чиқилган;

шарнинг ихтиёрий ички нуқтасидаги эластик ғовакнинг стационар тенгламалар системаси ечимини сферадаги қийматлар билан боғловчи, ўрта қиймат ҳақидаги интеграл муносабатларни – Пуассон интеграл формуласини умумлаштириш усуллари ишлаб чиқилган;

ярим фазода эластик ғовакнинг стационар тенгламалар системаси учун Миндлин масаласи ўхшашлиги ечими олинган ва тўлқинли майдонга турли динамик характеристикаларнинг таъсирини сонли тадқиқ қилиш алгоритми топилган;

босим бўйича фазалар мувозанатли икки тезликли гидродинамика тенгламаларида тезлик, босим ва оғирлик кучини қўшимча сақлаш қонуниятлари асосида дивергент кўринишга эга боғловчи дифференциал айниятлар исботланган;

Монж-Ампер тенгламалар системасининг хусусий ҳоли учун текислик ҳолатида оқим функциясининг умумий ечимини қуриш усуллари ишлаб чиқилган;

иккита скаляр функциялар ёрдамида моддаларни ҳажмли тўйинганлиги доимий бўлган, босим бўйича фазаларнинг мувозанат ҳолатида икки тезликли ёпишқоқ сиқилувчан бўлмаган суюқликларнинг оқими учун дифференциал тенгламалар системаси ва сонли модели ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари кўп фазали геологик ва технологик системаларда стационар жараёнларни моделлаштириш усулларини ишлаб чиқилганлигидан; тоғ жинсларидаги локал сейсмик ходисалар билан боғлиқ ғовак босими ва деформация майдонларини таҳлил қилишда ҳар хил сейсмик манбалардан ҳосил қилинувчи дилатансия соҳаларининг ҳисоблаш алгоритмларидан, шунингдек, турли технологик системалар доирасида сиқилувчан икки фазали муҳитлар оқими режимини ўзгартириш ва назорат қилиш усуллари ишлаб чиқилганлигидан; ўрта қиймат ҳақидаги ифодалар асосида ҳисоблаш алгоритмини қуриш услубияти ва мос дифференциал тенгламаларни ечимини олдиндан баҳоланганлигидан иборатдир.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги услубий жиҳатдан тенгламалар гиперболиклигини таъминловчи ёндошувлар асосидаги математик моделларнинг корректлиги ва уларнинг термодинамика қонуниятлари билан мутаносиблиги, математик моделлаштириш асосларининг қатъийлиги, асосланган усуллардан фойдаланилган ҳолда тенгламалар ечимларини олиниши, шунингдек, олинган ечимларнинг бир фазали муҳитлардагига оид илмий-тадқиқот ишлари билан солиштирилиши, ҳамда ҳисоблаш экспериментлари натижаларини умумқабул қилинган мезонлар асосида айнан берилганлар билан қиёсий таҳлили билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кўп фазали системалар тўлқин динамикасининг истиқболли ривожланишини, комплекс ўзгарувчили аналитик функциялар «A(z)» назариясининг оператор ўхшашликлари усуллари қўлланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти босим бўйича фазалар мувозанатли икки тезликли гидродинамика тенгламаларида тезлик, босим ва оғирлик кучини қўшимча сақлаш қонуниятлари асосида дивергент кўринишга келтириш, тоғ жинсларидаги локал сейсмик ходисалар билан боғлиқ ғовак босими ва деформация майдонларини таҳлил қилишда ҳар хил сейсмик манбалардан ҳосил қилинувчи дилатансия соҳаларининг ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқиш, тажрибавий тадқиқот натижаларини тушунишни ва тавсифлаш усулларини такомиллаштиришга асос сифатида хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диссертация тадқиқоти жараёнида олинган илмий натижалар қуйидаги йўналишларда амалиётга жорий қилинган:

Коши–Риман тенгламасининг оператор ўхшашлигига асосланган кўп фазали муҳитларни математик моделлаштириш усуллари 1.3.1.3 грант лойиҳасида тўйинтирилган суюқликдаги ғовак муҳитда дилантасия майдонларини қуруш учун қўлланилган (Россия фанлар академиясининг Сибир бўлими ҳисоблаш математикаси ва математик геофизика институтининг 2016 йил 3 ноябрдаги маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши эластик ғовакли стационар тизимлар учун тўғри ва тескари масалаларни ечишда Миндлина ўхшашликлари асосида яратилган Карлеман формуласи Ер ҳақидаги математик моделларни яратиш ва тадқиқ этиш имконини берган;

фазаларнинг тўйинтирилган ҳажми ўзгармас бўлганда босим бўйича мувозанатлашган ҳолат учун икки тезликли сиқилмайдиган ёпишқоқ муҳитларда оқимни икки скаляр функция ёрдамида тавсифлаш формуласи VII.67.1.3 грант лойиҳасида гетеро фазали муҳитларда конвектив оқимларни моделлаштиришда фойдаланилган (Россия фанлар академиясининг Сибир бўлими геология ва минерология институтининг 2016 йил 22 ноябрдаги маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши гетеро фазали муҳитларда конвектив оқимларни моделлаштириш усуллари тўйинтирилган суюқликдаги ғовак муҳитда дилантасия майдонларини қуриш имконини берган;

ғовак-эластиклик тенгламаларининг стационар системаларининг шарнинг ихтиёрий ички нуқтасидаги ечимларини сферадаги қийматлари билан боғловчи ўрта қиймат ҳақидаги муносабатлар 0115РК00542 грант лойиҳасида икки тезликли гидродинамика масалаларини моделлаштиришда қўлланилган (Қозоғистон Республикаси фан ва таълим вазирлиги Ахборот ва ҳисоблаш технологиялари институтининг 2016 йил 23 ноябрдаги маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши икки тезликли гидродинамика масалаларини моделлаштириш усуллари тўйинтирилган суюқликдаги ғовак яриммуҳитларда дилатансия майдонларини яратиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 20 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 10 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 42 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 23 та мақола, жумладан, 15 таси хорижий ва 8 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш қисми, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар руйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯ ИШИНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссератациянинг «**Икки тезликли муҳитда динамик тенгламалар»** деб номланувчи биринчи боби сиқилувчан икки фазали муҳитларни икки тезликли моделларининг динамика тенгламалари системасини чизиқли термодинамикани қайтариб бўлмайдиган жараёнларининг сақлаш қонунлари ва тамойиллари усулларидан фойдаланиб, батафсил келтириб чиқилиши берилган ҳамда икки фазали муҳитнинг изотроп ҳолида ҳолат тенгламаларни тадқиқ қилишга бағишланган. Шунингдек эластик ғовакли жисм тезликлари ва ғовак босими тушунчаларида суюқлик билан тўйинган ғовакли муҳитларнинг чизиқланган тенгламалар системаси олинган ҳамда бир босимли икки суюқликли муҳит динамикасининг термодинамик келишилган системаси келтирилган.

Диссератациянинг «**Эластик ғовакликнинг стационар системаси учун Коши масаласи ечимида аналитик функция «А» ларнинг қўлланилиши»** деб номланувчи иккинчи боби аналитик функция «А» тушунчаси, у билан боғлиқ квазиконформ акслантиришлар назарияси ва олинган натижаларнинг кўп фазали муҳитларнинг бази амалий масалаларини ечишга татбиғига бағишланган. Кўчиш ва ғовак босими тушунчаларида ғовакли эластик стационар системаси учун Коши масаласини ечишда аналитик функция «А» ларнинг қўлланилиши кўрсатилган. Ғовакли муҳит ва ғоваклиликнинг эластик параметрларини таъсирини кўрсатадиган ечим учун Карлеман формуласи олинган.

Айтайлик, Ω – комплекс текислик $\mathbb{C}$ дан олинган ихтиёрий чегараланган бир боғламли соҳа, чегараси C^{∞} снифдан олинган ва $M \subset \partial\Omega$ – чекли сондаги ёпиқ ёйлар бирлашмасидан иборат. Ω да иккинчи тартибли эллиптик система учун Коши масаласини қараймиз:

$$\begin{gathered} \mathcal{A}\frac{\partial^2}{\partial x^2}V + 2\mathcal{B}\frac{\partial^2}{\partial x\partial y}V + \mathcal{C}\frac{\partial^2}{\partial y^2}V = 0,\ V:\Omega \to R^n \\ V(x,y)\big|_M = F(x,y),\ P_\partial V(x,y)\big|_M = G(x,y), \end{gathered} \qquad (1)$$

Бу ерда $V(x,y) \in C^2(\Omega;R^n) \bigcap C^1(\overline{\Omega};R^n)$ – вектор қийматли функция, $F(x,y), G(x,y) \in C(\Omega;R^n)$, $\mathcal{A}, \mathcal{B}, \mathcal{C}$ – n-ўлчовли квадрат матрица, P_∂ – бринчи тартибли дифференциал оператор (масалан эластик ғовак муҳитнинг тенгламалар системаси учун кучланиш оператори ёки нормал бўйича ҳосила). Система эллиптик, яъни $\mathcal{A}$, $\mathcal{C}$ лар тескариланувчи матрицалар ва характеристик кўпҳад

$$\det\left\|\mathcal{A} + 2\mathcal{B}\lambda + \mathcal{C}\lambda^2\right\| = 0$$

тенглама хақиқий ечимга эга бўлмайди.

$u:\Omega \to C^n$ аналитик функция «A» бўлиб, «A» нильпотент матрица ($A^n = 0$) $\mathcal{A}$, $\mathcal{B}$, $\mathcal{C}$ системанинг коэффициентлари билан ифодаланади, u функция $z_\lambda = x + \lambda y$ ўзгарувчига боғлиқ ва λ-характеристик кўпҳаднинг илдизи бўлсин. Шундай қилибюқоридаги системанинг ечимини топиш

$$\overline{\partial}_A u(z) := \partial_{\bar z} u(z) - A\partial_z u(z) = 0,\ \ u(z)\big|_M = f(z)$$

аналитик функция«A»ни топиш масаласига келади.

Теорема 1. Агар λ_1, λ_2-лар характеристик кўпҳаднинг илдизи бўлиб $\mathrm{Im}\ \lambda_i > 0$ бўлса, у ҳолда юқоридаги системанинг ечими қуйидаги формула билан топилади

$$V = \mathrm{Re}\,\Theta u$$

бунда $\Theta = (\Theta_1, \Theta_2)$ лар матрица (Θ_i – унинг устунлари) ва $u(z) = (\mathrm{u}_1(\mathrm{z}), \mathrm{u}_2(\mathrm{z}))$ қуйидагича аниқланади:

а) агар $\lambda_1 = \lambda_2 = \lambda$ бўлса, у ҳолда Θ_1, Θ_2 устунлар қуйидаги тенгламалар системаси билан топилади

$$\begin{gathered} A\Theta_1 + 2B\lambda\Theta_1 + C\lambda^2\Theta_1^2 = 0, \\ A\Theta_2 + 2B\lambda\Theta_2 + C\lambda^2\Theta_2^2 + 2\left(A + B(\lambda + \bar\lambda) + C\lambda\bar\lambda\right)\Theta_1 = 0, \end{gathered}$$

функция $u(z) = (\mathrm{u}_1(\mathrm{z}), \mathrm{u}_2(\mathrm{z}))$ эса қуйидаги тенгламанинг ечими бўлади

$$\left(\partial_x - \frac{1}{\lambda}\partial_y\right)u(\mathrm{z}) - \begin{pmatrix} 0 & -\dfrac{\alpha}{2\lambda} \\ 0 & 0 \end{pmatrix}\left(\partial_x + \frac{1}{\lambda}\partial_y\right)u(\mathrm{z}) = 0, \quad \alpha = \bar\lambda - \lambda;$$

б) агар $\lambda_1 \neq \lambda_2$ бўлса, унда устунлар Θ_1, Θ_2 қуйидаги тенгламадан топилади

$$A\Theta_i + 2B\lambda\Theta_i + C\lambda^2\Theta_i^2 = 0, \quad i = 1,2,$$

функция компонентлари $u(z) = (u_1(z), u_2(z))$ қуйидаги тенгламанинг ечимлари бўлади

$$\partial_x u_i - \frac{1}{\lambda_i}\partial_y u_i(z) = 0, \quad i = 1,2.$$

Бу ерда текисликнинг чегараси силлиқ ихтиёрий чегараланган соҳасида стационар эластик ғовакликнинг тенгламалар системаси учун Карлеман типидаги формула асосида Коши масаласи ечилган

Бирор $\Omega \subset \mathbb{C}$ сохада текис изотроп эластик-деформацияланадиган муҳитни тавсифлайдиган стационар эластик ғовакликнинг тенгламалар системаси учун Коши масаласини (U, P) тушунчасида қарайлик:

$$\mu\Delta\mathbf{U} + (\lambda + \mu)\nabla div\mathbf{U} = 0, \; \mathbf{U}\big|_M = G(x), \; T_\partial\mathbf{U}\big|_M = H(x),$$

$$\Delta P = 0, \; \frac{\rho_{0,l}}{\rho_0} P\big|_M = P_0(x), \; \left.\frac{\partial P}{\partial \nu}\right|_M = 0. \tag{2}$$

Бу ерда $\tilde{\lambda}$, μ – ғовак муҳитдаги ўзгармас, $\mathbf{V}(V_1, V_2)$ – кўчиш вектор, T_∂ – кучланиш оператори, $\nu = (\nu_1, \nu_2)$ ташқи нормал вектор учун аниқланадиган тенглик $T_\partial\mathbf{V}\big|_M = \sigma\upsilon\big|_M$ ва σ тензор кучланиш, элементлари кўчиш вектор $\mathbf{V}(V_1, V_2)$ билан Гук муносабатларини боғлайди

$$\sigma_{xx} = \lambda\left(\partial_x V_1 + \partial_y V_2\right) + 2\mu\partial_x V_1$$

$$\sigma_{yy} = \lambda\left(\partial_x V_1 + \partial_y V_2\right) + 2\mu\partial_y V_2$$

$$\sigma_{xy} = \sigma_{yx} = \mu\left(\partial_y V_1 + \partial_x V_2\right) + 2\mu\partial_x V_1$$

Қуйидагини осон кўрсатиш мумкин,

$$T_\partial = \begin{pmatrix} (\lambda + 2\mu)\upsilon_1 & \mu\upsilon_2 \\ \lambda\upsilon_2 & \mu\upsilon_1 \end{pmatrix}\partial_x + \begin{pmatrix} \mu\upsilon_2 & \lambda\upsilon_1 \\ \mu\upsilon_1 & (\lambda + 2\mu)\upsilon_2 \end{pmatrix}\partial_y.$$

Нормал вектордан ўринма вектор $\tau = (\tau_1, \tau_2)$ йўналишига ўтсак, T_∂ операторни қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин

$$T_\partial = \tau_1\begin{pmatrix} 0 & -\mu \\ -\lambda & 0 \end{pmatrix}\partial_x + \tau_1\begin{pmatrix} -\mu & 0 \\ 0 & -(\lambda + 2\mu) \end{pmatrix}\partial_y +$$

$$+\tau_2\begin{pmatrix} \lambda + 2\mu & 0 \\ 0 & \mu \end{pmatrix}\partial_x + \tau_2\begin{pmatrix} 0 & \lambda \\ \mu & 0 \end{pmatrix}\partial_y = T_{11}\tau_1\partial_x + T_{12}\tau_1\partial_y + T_{21}\tau_2\partial_x + T_{22}\tau_2\partial_y.$$

Қуйидаги теорема ўринли:

Теорема 2. Айтайлик, $\mathbf{U}(x, y) \in C^2(\Omega; R^n) \bigcap C^1(\Omega; R^n)$ $P(x, y) \in C^2(\Omega; R^n) \bigcap C^1(\bar{\Omega}; R^n)$ *функциялар (2) масаланинг ечими бўлсин. У ҳолда $\mathbf{V}(x, y)$, $P(x, y)$ лар қуйидаги формула билан топилади*

$$V = \mathrm{Re}\Theta u, \; P = \mathrm{Re}\tilde{\mathrm{P}},$$

$$\Theta = \begin{pmatrix} i & i \\ -1 & 2k-1 \end{pmatrix}, \quad k = \frac{\tilde{\lambda}+3\mu}{\tilde{\lambda}+\mu},$$

бу ерда $\tilde{P}(z)$ *аналитик функция,* $A = \begin{pmatrix} 0 & -1 \\ 0 & 0 \end{pmatrix}$ *учун* $u(z)$ *аналитик функция* «A»*, қайсики* M *тўпламда қуйидаги қийматларни қабул қилади*

$$u\big|_M = f = g + ih,$$

бу ерда $g(z)$, $h(z)$ *функциялар қуйидаги системадан олинган*

$$\begin{pmatrix} \mathrm{Re}\Theta & -\mathrm{Im}\Theta \\ \mathrm{Re}\Theta' & -\mathrm{Im}\Theta \end{pmatrix} \begin{pmatrix} g(x) \\ h(x) \end{pmatrix} = \begin{pmatrix} G(x) \\ \int_{(x_0,y_0)}^{(x,y)} H(x,y)\,ds \end{pmatrix}, \quad \Theta' = 2\mu \begin{pmatrix} 1 & 2-k \\ i & -ik \end{pmatrix},$$

бу ерда $\tilde{P}(z)$ *ва* $u(z)$, $z = x + iy \in \Omega$ *функция қийматлари Карлеман типидаги формуладан топилади:*

$$u(z) = \lim_{N\to\infty} \frac{1}{2\pi i} \cdot$$

$$\cdot \left(\int_M \left(e^{N(\phi_0(\zeta)-\phi_0(z))} \begin{pmatrix} f_1 \\ f_2 \end{pmatrix}(\zeta) + \left(N\left(\partial\phi_0(\zeta)\bar{\zeta} - \partial\phi_0(z)\bar{z}\right) + \overline{\frac{\zeta - z}{\zeta - z}} \right) \begin{pmatrix} f_2 \\ 0 \end{pmatrix}(\zeta) \right) \frac{d\zeta}{\zeta - z} - \right.$$

$$\left. - \int_M e^{N(\phi_0(\zeta)-\phi_0(z))} \begin{pmatrix} f_2 \\ 0 \end{pmatrix}(\zeta) \frac{d\bar{\zeta}}{\zeta - z} \right),$$

$$\tilde{P}(z) = \frac{\rho}{2\pi\rho_l i} \lim_{N\to\infty} \int_M P_0(\tau) \left[\frac{(\zeta - z_2)(z - z_1)}{(\zeta - z_1)(z - z_2)} \right]^{\frac{N}{\pi i}} \frac{d\tau}{\zeta - z}.$$

Карлеман типидаги формуладан шартли турғунликни баҳолаш келиб чиқади:

$$\left\| \mathbf{V}(x,y) \right\| \le \varepsilon l\left(f(z) \right) + c(\varepsilon) \left\| f(z) \right\|_M,$$

бу ерда $f(z)$ – $u(z)$ функциянинг чегаравий қиймати,

$$l\left(f(z) \right) = \left\| f(z) \right\|_{\left(\partial\Omega\setminus M;C^2\right)}, \qquad c(\varepsilon) = C\varepsilon^{1-\frac{c}{\psi(z)(e-1)}}$$

ва $\psi(z)$ – M тўпламнинг гармоник улчови.

Шунинг билан, агар Карлеман формуласидан фойдаланиб тақрибий қиймати $\mathbf{V}_N(x,y)$ ни $N > N_\varepsilon$ бўлганда аниқласак, у ҳолда хатолик қуйидагича бахоланади:

$$\left\| \mathbf{V} - \mathbf{V}_N \right\| \le \left\| \Theta \right\| \varepsilon,$$

Коши шартига кўра: яъни $G(z), H(z)$ лардан хатолик ε_0 дан катта эмас:

$$\varepsilon_0 \le C_1 \varepsilon^{\frac{2e}{(e-1)\psi(x)}}, \; C_1 = \frac{\rho_{M(z)}}{|M|} \left(\frac{|\partial\Omega \setminus M|}{\rho_{\partial\Omega\setminus M}(z)} \left\| f \right\| \right)^{1-\frac{2e}{(e-1)\psi(z)}} \left(\frac{\pi\psi^2(z)}{8\omega} \right)^{\frac{2e}{(e-1)\psi(z)}} \left\| \tilde{\Theta} \right\|.$$

Юқорида исботланган натижада қуйилган маслага бошқача ёндошилган ва бу ёндошув «А»-аналитик функция ёрдамида бажарилган бўлиб у текисликда чегараси бўлакли силлиқ бўлган соҳада ечим аниқ топилган.

Диссератациянинг «**Аналитик функция «A(z)» ва унинг хоссаларини тадқиқ қилиш»** деб номланувчи учинчи боби квазиконформим акслантришлар назарияси билан боғлиқ бўлган Бельтрами тенгламаси

$$f_{\bar{z}}(z) = A(z) f_z(z), \tag{3}$$

ечими билан таърифланадиган аналитик функциялар назариясига бағишланган. Асосан $A(z)$ функцияга нисбатан қаралаётган бўлиб, уни умумий ҳолда улчовли ва диярли қаралаётган $D \subset \mathbb{C}$ соханинг барча нуқталарида $|A(z)| \le C < 1$ шартни қаноатлантиради. Адабиётларда (3) тенгламанинг ечими «А»*аналитик функция деб аталади.*

Айтайлик $A(z)$ $-D \subset \mathbb{C}$ сохада бирор узлуксиз функция бўлсин. Қуйидаги операторни критамиз:

$$\partial_A = \partial - \overline{A(z)} \cdot \bar{\partial},$$

Бу ерда ∂ – z бўйича дифференциаланувчи оператор, $\bar{\partial}$ $-\bar{z}$ бўйича дифференциаланувчи оператор бўлсин.

Таъриф 1. Айтайлик, $f(z) - D$ *сохада дифференциалланувчи функция ва ҳар қандай* $z \in D$*учун*

$$\overline{\partial_A} f(z) = 0$$

тенгламани қноатлантирса, у ҳолда $f(z)$ D *сохада*$A(z)$*-аналитик функциядейилади, бу ерда*$\overline{\partial_A} = \bar{\partial} - A(z) \cdot \partial$.

Таъриф 2. Агар ихтиёрий $z \in D$ *да*

$$\partial_A f(z) = 0$$

ўринли бўлса, у ҳолда $f(z)$ D *сохада*$A(z)$*-антианалитик функциядейилади.*

Шуни такидлаймизки, агар $A(z) \equiv 0$ бўлса функция аналитик ва антианалитик бўлади.

Айтайлик, «А» антианалитик функция, $\partial A = 0,$ $D \subset \mathbb{C}$ сохада $|A(z)| \le C < 1,$ $\forall z \in D$ ўринли бўлса, қуйидагини ёзиб оламиз

$$D_A = \frac{\partial}{\partial z} - \bar{A}(z)\frac{\partial}{\partial \bar{z}}, \quad \bar{D}_A = \frac{\partial}{\partial \bar{z}} - A(z)\frac{\partial}{\partial z}.$$

У ҳолда (3) га кўра «А» аналитик функциялар $f \in O_A(D)$ синфи $\bar{D}_A f = 0$ билан характерланади. Шундай қилиб антианалитик функциялар чексиз силлиқ бўлганлигидан $O_A(D) \subset C^\infty(D)$ эканлиги келиб чиқади.

Теорема 3 (Коши теоремасининг ўхшашлиги). Агар $f \in O_A(D) \cap C(\bar{D})$ *бўлса, бунда* $D \subset \mathbb{C} -$ ∂D *тўғриланувчи чегарадан иборат соха бўлса, у ҳолда* $\int\limits_{\partial D} f(z)\left(dz + A(z) d\bar{z}\right) = 0$ *бўлади.*

$D\subset\mathbb{C}-$ сохани қаварик деб фараз қиламиз ва $\xi\in D-$ фиксирланган нуқта.Қуйидаги функцияни қараймиз

$$K(z,\xi)=\frac{1}{2\pi i}\cdot\frac{1}{z-\xi+\overline{\int\limits_{\gamma(\xi,z)}\bar{A}(\tau)d\tau}},$$

бу ерда $\gamma(\xi,z)-\xi,z\in D$ нуқталарни туташтрувчи силлиқ чизиқ. Шундай қилиб функция $D-$ бир-боғламли сохада ва функция $\bar{A}(z)-$ голоморф бўлса, у ҳолда интеграл $I(z)=\int\limits_{\gamma(\xi,z)}\bar{A}(\tau)d\tau$ интеграллаш йўлига боғлиқ эмас ва бошланғич билан устма-уст тушади $I'(z)=\bar{A}(z)$.

Теорема 4. $K(z,\xi)$ *функция* $z=\xi$*, яъни* $K\in O_A(D\setminus\{\xi\})$ *да* $A-$*аналитик функция. Шу билан бирга* $z=\xi$ *нуқтада функция* $K(z,\xi)$ *биринчи тартибли полюсга эга.*

Изоҳ. Агар $D\subset\mathbb{C}$ соҳа қаварик бўлмаса фақат бир боғламли бўлса ҳам $\psi(z,\xi)$ функция D да бир қийматли аниқланган бўлсада, олдиндан, функциянинг бошқа $\xi:\psi(z,\xi)=0,\ z\in P=\{\xi,\xi_1,\xi_2,...\}$ дан бошқа яккаланган ноллари бўлиши мумкин. Бундан келиб чиқадики агар $z\notin P$ бўлса $\psi\in O_A(D),\ \psi(z,\xi)\neq 0$ ва $K(z,\xi)\,D\setminus P$ да $A-$аналитик функция бўлади. P нуқта фақат битта полюсга эга бўлади. Шунинг учун $A-$аналитик функциялар синфини фақат $D\subset\mathbb{C}$ қаварик сохада қараймиз.

$\psi(z,\xi)\in O_A(D)$ функция ички акслантришни амалга оширади. Хусусан, $\left\{z\in D:\ |\psi(z,\xi)|=\left|z-\xi+\overline{\int\limits_{\gamma(\xi,z)}\bar{A}(\tau)d\tau}\right|<r\right\}$ тўплам D да очиқ тўпламни изохлайди. Етарлича кичик $r>0$ учун у Dда компакт ётади ва ξ нуқтани ўз ичга олади. Бу тўпламни маркази ξ бўлган $A-$*лемниската дейилади ва* $L(\xi,r)$ кўринишда белгилаймиз. Максимум принципига кўра лемниската $L(\xi,r)$ бир боғламли ва минимум принципга кўра у боғламли.

Маълумки, $K(z,\xi)\in L^1_{loc}(D),\ \forall\xi\in D$ва бринчи даражали дифференциал форма $\omega=K(z,\xi)(dz+A(z)d\bar{z})$биргаликда бринчи даражали оқимни қуйидаги формула билан аниқлайди

$$\omega\circ\alpha=\int\omega\wedge\alpha,\ \alpha\in F^1(D),$$

бу ерда $F^1(D)-D$ да чексиз силлиқ, финит сниф, бринчи даражали дифференциал форма.

Теорема 5. Дирак δ_ξ *улчови билан дифференциал оқим* $d\omega$ *устма-уст тушади, яъни* D *да чексиз силлиқ, ихтиёрий финитфункция* $\varphi\in F^0(D)$*учун қуйидаги тенглик ўринли*

$$d\omega\circ\varphi=\int\omega\wedge d\varphi=\varphi(\xi),\ \alpha\in F^0(D).$$

Теорема 6 (Коши формуласининг ўхшашлиги). Айтайлик, $D\subset\mathbb{C}-$ қавариқ соха ва $G\subset D-$ ∂G чегараси бўлакли силлиқ ихтиёрий қсим соха. У ҳолда ихтиёрий $f(z)\in O_A(G)\cap C(\overline{G})$ функция учун қуйидаги формула ўринли

$$f(z)=\int\limits_{\partial G}K(\xi,z)f(\xi)\left(d\xi+A(\xi)d\,\overline{\xi}\right),\ z\in G.$$

Аввалам бор, $A-$аналитик функция учун даражали қатор қуйидаги кўринишда бўлади

$$\sum_{j=0}^{\infty}c_j\psi^j(z,a),\ a\in D,\ c_j-\text{константа.}$$

Юқоридаги қаторнинг яқинлашиш соҳаси $L(a,r)=\left\{\left|\psi(z,a)\right|<r\right\}$ лемниската бўлади ва унинг яқинлашиш радиуси r Коши-Адамара формуласига кўра топилади: $\dfrac{1}{r}=\overline{\lim\limits_{j\to\infty}}\sqrt[j]{\left|c_j\right|}.$

Тескариси ўринли.

Теорема 7. Агар $f(z)\in O_A\left(L(a,r)\right)\cap C\left(\overline{L}(a,r)\right)$ бўлса, бунда $L(a,r)=\left\{\xi\in D:\ \left|\psi(\xi,a)\right|<r\right\}\subset\subset D-$ лемниската, у ҳолда $L(a,r)$ да $f(z)$ функция Тейлор қаторига ёйилади:

$$f(z)=\sum_{k=0}^{\infty}c_j\psi^k(z,a),\tag{4}$$

бунда $c_k=\dfrac{1}{2\pi i}\int\limits_{\partial L(a,\rho)}\dfrac{f(\xi)}{\left[\psi(\xi,a)\right]^{k+1}}\left(d\xi+A(\xi)d\,\overline{\xi}\right),\ 0<\rho<r,\ k=0,1,\ldots.$

Теорема 8 (Лоран қаторига ёйиш). Агар $f(z)$ функция $L(a,R)\setminus L(a,r)$ $r<R$ лемнискатадан иборат халқада A аналитик бўлса, у ҳолда $f(z)$ функция шу ҳалқада Лоран қаторига ёйилади:

$$f(z)=\sum_{k=-\infty}^{\infty}c_j\psi^k(z,a),$$

бу ерда Тейлор-Лоран коэффициентлари (4) формула билан аниқланади ва қатор ҳалқа ичида текис яқинлашади.

Коши тенгсизлиги. Тейлор-Лоран коэффициентлари учун қуйидаги тенгсизлик ўринли

$$\left|c_k\right|\le\frac{\max\left\{\left|f(z)\right|:\ z\in\partial L(a,\rho)\right\}}{\rho^k},\ r<\rho<R,\ k=0,\pm1,\pm2,\ldots.$$

Қачонки $a-$ ўта махсус нуқта бўлса, Сохоцкий теоремаси ўринли, ҳар қандай W комплекс сон олганда $z_k\to a:\ f(z_k)\to W$ кетма-кетлик мавжуд бўлади. Маълумки, Лиувилл теоремасига кўра бутун текисликда антиголоморф $\left|A(z)\right|\le C<1$ шартни қаноатлантирувчи $A(z)$ функция ўзгармас бўлади. Шунинг учун, агар биз бутун $f(z)\in O_A(\mathbb{C})$ $A-$аналитик функцияни аниқласак, у ҳолда $A(z)\equiv C,\ |C|<1$ бўлади. Бундай бутун функция учун Пикар теоремаси ўринли, у шундай дейди: бутун $A-$аналитик функция $f\not\equiv const$ ва иккитадан бошқа барча қийматларини қабул қилади. $A-$аналитик функция учун қуйдаги мазмунли Пикарнинг катта теоремаси ўринли.

Теорема 9. Агар $a-f(z)$ $A-$аналитик функциянинг ўта махсус нуқтаси бўлса, у ҳолда $f(z)$ функция $\overline{\mathbb{C}}$ кенгайтрилган комплекс текисликнинг иккитадан бошқа барча қийматларини қабул қилади.

Агар ихтиёрий унга $\{f_\alpha(z)\}_{\alpha\in\Lambda_0}$, $\Lambda_0\subset\Lambda$ қисим оила G нинг ички нуқталарида текис $\{f_j(z)\}\subset\{f_\alpha(z)\}_{\alpha\in\Lambda_0}:\ f_j(z)\Rightarrow f(z),\ j\to\infty,$ яқинлашадиган қисимий кетма-кетликни ўз ичига олса, у ҳолда $\{f_\alpha(z)\}_{\alpha\in\Lambda}\subset O_A(G)$ функциялар оиласи нормал дейилади.

Теорема 10 (Монтель). Локал текис чегараланган $A-$аналитик функциялар $\{f_\alpha(z)\}_{\alpha\in\Lambda}\subset O_A(G)$ оиласи нормал оила ташкил этади.

Натижа 1. Агар ҳар бир $A-$аналитик функциялар $\{f_\alpha(z)\}_{\alpha\in\Lambda}\subset O_A(G)$ оиласи иккита $a\in\mathbb{C},\ b\in\mathbb{C},\ a\neq b$ қийматни қабўл қилмаса, у ҳолда бу оила нормал бўлади.

Диссератациянинг «**Эластик ғоваклик системаси учун сферик ўрта қиймат муносабати»** деб номланувчи тўртинчи бобида эластик-ғовак статик холатдаги $\Omega\subset R^3$ муҳитда оммавий кучни ҳисобга олиб диссипация энергия қанашмаганда уни дифференциал тенгламалар системаси билан ифодалаш мукин

$$\begin{cases} L\mathbf{U}=-\dfrac{K}{\rho^3\hat{\alpha}+K}\rho\mathbf{f}, \\ \Delta P=F, \end{cases} \tag{5}$$

бунда $F=\rho\nabla\cdot\mathbf{f}$, $\tilde{\lambda}=\lambda-\dfrac{K}{\rho^3\hat{\alpha}+K}K$, L оператор куйидаги формула билан аниқланади $L\mathbf{U}=\mu\Delta\mathbf{U}+(\tilde{\lambda}+\mu)\nabla\nabla\cdot\mathbf{U}$.

Теорема 11 (ўрта қиймат хақидаги). Айтайлик Ω – ихтиёрий соха, $\mathbf{U}\in C^3(\Omega), P\in C^2(\Omega)$ – (4) системанинг ечими бўлса. У ҳолда ихтиёрий $U_R(\mathbf{r})\subseteq\Omega$ шар учун қуйидаги тенглик ўринли

$$\mathbf{U}(\mathbf{r})=\frac{3}{16\pi R^2(2-3\nu)}\oint\limits_{\Sigma_R(\vec{r})}\left[(1-4\nu)\mathbf{U}(\mathbf{q})+5\frac{\mathbf{p}(\mathbf{p}\cdot\mathbf{U}(\mathbf{q}))}{R^2}\right]dS_q-$$

$$-\frac{\rho K}{\rho^3\hat{\alpha}+K}\frac{3-2\nu}{32\pi R^3\mu(1-\nu)(2-3\nu)}\int\limits_{U_R(\vec{r})}\left(R^2-p^2\right)\mathbf{f}(\mathbf{q})dV_q--\frac{\rho K}{\rho^3\hat{\alpha}+K}\frac{1}{16\pi\mu(1-\nu)}.$$

$$\int\limits_{U_R(\mathbf{r})}\left[(3-4\nu)\left(\frac{1}{R}-\frac{1}{p}\right)\mathbf{f}(\mathbf{q})+\left(\frac{1}{R^3}-\frac{1}{p^3}\right)\mathbf{p}(\mathbf{p}\cdot\mathbf{f}(\mathbf{q}))\right]dV_q, \qquad (6)$$

$$P(\mathbf{r})=\frac{1}{4\pi R^2}\oint\limits_{\Sigma_R(\mathbf{r})}P(\mathbf{q})dS_q+\frac{\rho}{4\pi}\int\limits_{U_R(\mathbf{r})}\left(\frac{1}{R}-\frac{1}{p}\right)\nabla\cdot\mathbf{f}(\mathbf{q})dV_q, \qquad (7)$$

бу ерда $\vec{p}=\vec{q}-\vec{r}$.

Теорема 12 (*ўрта қиймат ҳақидаги тескари теорема*). *Айтайлик* $\Omega\subset R^3$ *– ихтиёрий соха,* $\mathbf{U}\in C^3(\Omega), P\in C^2(\Omega)$ *ихтиёрий* $U_R(\mathbf{r})\subseteq\Omega$ *шар учун бу функциялар (5), (6) ўрта қиймат хақидаги муносабатни бажарса, у ҳолда* $\mathbf{U}$ *ва* P *функциялар (4) системанинг ечими бўлди.*

Эластик-ғовак жисм ва ғовак босимда тензор деформасия билан тензор кучланишни боғловчи формулани келтирамиз:

$$\sigma_{ik}=2\mu\varepsilon_{ik}+\lambda\delta_{ik}\varepsilon_{mm}-\alpha\delta_{ik}p, \quad i,k=1,2,3 \qquad (8)$$

$$\varepsilon_{ik}=\frac{1}{2}\left(U_{i,k}+U_{k,i}\right), i,k=1,2,3, \qquad \varepsilon_{mm}=\sum_{n=1}^{3}\varepsilon_{nn}$$

бу ерда $\delta_{i,k}$ – Кронекер символи, $v_k=\dfrac{\partial v}{\partial x_k}$, $\tilde{\alpha}=1-\dfrac{K}{\alpha\rho^2}$.

Тензор деформасияга нисбатан (7) системани ечиб ғовак босимни ва тензор кучланиш билан тензор деформасияни боғловчи муносабатни ҳосил қиламиз:

$$\varepsilon_{ik}=\frac{1}{2\mu}\sigma_{ik}-\frac{\delta_{ik}}{3\lambda+2\mu}\left(\frac{\lambda}{2\mu}\sigma_{mm}-\alpha p\right), \qquad i,k=1,2,3.$$

Ғовак босими ва тензор кучланишга нисбатан дифференциал тенгламалар системаси

$$\Delta\sigma_{ij}+\beta\sigma_{mm,ij}=\gamma p_{ij}, \quad i,j=1,2,3. \qquad (9)$$

$$\Delta P=0.$$

Шундай қилиб, ғовак босим ва тензор кучланиш мос равишда Лаплас тенгламасини ва (8) иккинчи тартибли тенгламалар системаси қаноатлантирар экан. Ғовак босими ва вектор кўчишга нисбатан эластик ғовак жисимда дифференциал тенгламалар системаси учун ўрта қиймат хақидаги теорема муносабати.Гармоник функция $p(x)$, $x\in\Omega$ учун ўрта қиймат ҳақидаги муносабат ўринли:

$$p(0)=\frac{\int_{S(0,R)}pd\Omega}{\int_{S(0,R)}1d\Omega}=\frac{1}{\omega_3}\int_{S(0,1)}pd\Omega(S). \qquad (10)$$

$$\sigma_{ij}(0)=\frac{3}{2\omega_3(5+2\beta)}\left[10(1-\beta)\int_{S(0,1)}\sigma_{ik}\frac{x_kx_l}{R^2}d\Omega-\right.$$

$$\left.-7\beta\delta_{ij}\int_{S(0,1)}\sigma_{ki}\frac{x_kx_l}{R^2}d\Omega+35\beta\int_{S(0,1)}\sigma_{ki}\frac{x_ix_jx_kx_l}{R^4}d\Omega\right]+$$

$$+\frac{15\alpha\left(2+5\beta\right)}{2\omega_3\left(2+5\beta\right)}\int_{S(0,1)} p\frac{x_i x_j}{R^2}d\Omega +$$
$$+\frac{15}{2\omega_3 R^5}\left(\alpha+\frac{7\gamma}{3\left(5+2\beta\right)}\right)\delta_{ij}\int_{W(0,R)}\eta^2 pdW +$$
$$+\frac{105\left(\alpha\beta+\gamma\right)}{3\left(5+2\beta\right)R^5}\int_{W(0,R)} px_i x_j dW-\frac{5\alpha}{2}\delta_{ij}p\left(0\right) \tag{11}$$

Теорема 13. Тенгламалар системаси учун ғовак босим ва тензор кучланишнинг дифференциал тенгламалар системасига нисбатан ўрта қиймат ҳақидаги (9), (10) муносабатлар ўринли.

Эластик-ғовакликнинг яримфазосида мўлжалланган куч масаласининг қўйилиши.

Масаланинг қўйилиши. Чегаравий шартлар билан

$$\sigma_{13}\big|_{x_3=0}=\sigma_{23}\big|_{x_3=0}=\frac{\rho_l}{\rho}\,p\big|_{x_3=0}=0.$$
$$p=\left(K-\rho\rho_s\alpha\right)div\mathbf{U}-\rho\rho_s\alpha div\mathbf{V}\,. \tag{12}$$

$x_3>0$ ярим фазода эластик-ғовак система

$$\begin{cases}\dfrac{\rho_s}{\rho}\dfrac{\partial P}{\partial x_i}+\sum\limits_{k=1}^{3}\dfrac{\partial\overline{h}_{ik}}{\partial x_k}=\rho_s f_i,\\[2ex] \dfrac{\rho_l}{\rho}\dfrac{\partial P}{\partial x_i}=\rho_l f_i.\end{cases} \tag{13}$$

учун кўчиш ва босимни аниқлаш учун чегаравий статик масалани қараймиз, бу ерда $\mathbf{f}=(f_1,f_2,f_3)$ – куч массаси.

Эластик-ғовак жисимда вектор кўчиш $\vec{U}$, ғовак босими p эластиклик тенгламалар системасини ва мос равишда (12) Лаплас тенгламасини қаноатлантиради. (11) чегаравий шартдан $div\mathbf{V}\big|_{x_3=0}$ ни чиқарсак, ҳамда тензор кучланишни ва ғовак босимидан фойдаланилса, қуйидаги натижага эришилади:

$$\mu\left(\frac{\partial U_1}{\partial x_3}+\frac{\partial U_3}{\partial x_1}\right)\Bigg|_{x_3=0}=0,$$
$$\mu\left(\frac{\partial U_2}{\partial x_3}+\frac{\partial U_3}{\partial x_2}\right)\Bigg|_{x_3=0}=0,$$
$$2\mu\frac{\partial U_3}{\partial x_3}+\tilde{\lambda}div\mathbf{U}\Bigg|_{x_3=0}=0.$$

(11) ни ҳисобга олиб (12) системанинг иккинчи тенгламасидан Пуассон тенгламаси учун Дирихле масаласи ҳосил қилинади:

$$\Delta p = \rho div\mathbf{f}, \qquad x_3 > 0, \tag{14}$$

$$p\big|_{x_3=0} = 0. \tag{15}$$

Шундай қилиб, $\mathbf{f} = \mathbf{F}\delta(\mathbf{x}-\mathbf{x}^0)$ оддий куч бўлганда бошланғич чегаравий шартларда масала (бу ерда $\mathbf{F}$ – ўзгармас вектор, $\mathbf{x}^0$ – манбанинг координатаси) иккита бир-бирига боғлиқ бўлмаган масалаларга ажралди: Р.Миндлин ва Д.Чен (4), (14) ва Пуассон тенгламаси учун Дирихле (13), (14) масалаларига.

Шунингдек, эластик-деформасияланувчи ғовак муҳитда, тензор кучланиш σ_{ij} ни ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\tilde{\sigma}_{ij} = \sigma_{ij} - \left(1 - \frac{K}{\alpha\rho^2}\right)\delta_{ij}\, p, \quad i, j = x, y, z,$$

Бу ерда, $\tilde{\nu} = \dfrac{\tilde{\lambda}}{2(\tilde{\lambda}+\mu)}$ – Пуассон типидаги коэффициент, ғовак босими агар куч оддий бўлса қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$p = \rho\left[\frac{\left(F, x - x^0\right)}{\left|x - x^0\right|^3} - \frac{\left(F, x_- - x^0\right)}{\left|x_- - x^0\right|^3}\right], \tag{16}$$

бу ерда $x_- = (x_1, x_2, -x_3)$.

Шундай қилиб, эластик-деформасияланувчи ғовак флюидо-түйинтирилган яримфазо учун мўлжалланган куч таъсирида нуқтанинг кўчиш масаласининг ечимини Пуассон коэффициентлари ν ва λ ларни $\tilde{\nu}$ ва $\tilde{\lambda}$ ларга мос равишда алмаштириболиш мумкин. Ўринма тензор кучланиш компанентларини ҳам Пуассонкоэффициентлари ν ни $\tilde{\nu}$ га алмаштириб ҳисоблаш мумкин. Компонентларнинг нормал тензоркучланишини юқоридаги каби аниқлаш мумкин ҳамда (16) қўшимча билан.

Ғовкли ярим фазо учун Миндлин масаласини ечишда олинган формула асосида сонли хисоблашларга тадбиқининг натижасини қараймиз. Горизонтал текислик бўйлаб нормал кучланиш ва ғовакли босим тақсимотини, шунингдек ярим чексиз ғовакли жсим сиртининг вертикал бўйлаб силжиши сонли ҳисоблари келтирилган. Шунингдек кучланиш, ғовакли босим ва кучиши майдонига ғовакликнинг тасири ўрганилган.



1-Расм. Чегарага нормал куч тасирида сиртнинг ($c \cdot V_s^2 \cdot w$) вертикал силжиши (мовий $m = 20\%$, бинафша $m = 25\%$, сиёҳранг $m = 30\%$)

